

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёма ҳуқуқида

УДК: 330.115 (575.1)

АШУРОВА ДИЛОРОМ САФАРОВНА

«Мева ва сабзавот маҳсулотларини бозор  
рақобати шароитида тайёрлаш ва  
тақсимлашнинг эконометрик таҳлили»

(Тайёрлов ва ишлаб чиқариш жамоа хўжаликлари мисолида)

08.00.06-«Эконометрика ва статистика» ихтисослиги

иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига  
даъвогарлиги диссертациясининг

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2001

330.115(013.3)

А. 94

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
«Иқтисодий кибернетика» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: Иқтисод фанлари доктори,  
профессор Турсун Шодиев

### Расмий оппонентлар:

Асатилла Абдурахимов – иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдусаттор Қорабоев – иқтисод фанлари номзоди

Етақчи ташкилот – Ўзбекистон Республикаси  
Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги

Диссертация 2001й. 10. октябрь соат 14 да  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
иқтисод фанлари доктори илмий даражаси ҳимояси бўйича  
иқтисослаштирилган Д 067.06.01 кенгашида ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон йўчаси, 49-уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2001й. 9. апрель да тарқатилади.

Иқтисослаштирилган кенгаш

илмий котибаси,

иқтисод фанлари доктори



Косимова М.С.

## К И Р И Ш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон ўз тараққиёти йўлида и бора туриб, кейинги йилларда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришди, халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар дастурини амалга оширмоқда. Халқимиз фаровонлигининг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадида иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу устувор йўналишлар жумласига қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярмида мамлакат иқтисодий-иқтисодий ривожланишининг боришига бағишланган йиғилишида Президентимиз Ислоҳ Каримов қишлоқ хўжалиги ривожланишига алоҳида тўхталиб ўтди ва унда: «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан бирга моддий-техника таъминоти хизматини жойларда хўжаликларнинг ўзида ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари керак. Бу чора-тадбирлар фермер ва деҳқон маҳсулотини бевосита у етиштирган жойдан сотиб оладиган тайёрлов-савдо идоралари тармоғини ривожлантиришини ҳам қамраб олиши лозим», - деди.<sup>1</sup>

Бозор иқтисодидаги жараёнларнинг тезкор ўзгариши, кўп укладли характери, рақобат муҳитининг ўзгариш эҳтимоли, стохастик характерга эга. Айниқса, бу қилиб маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш жараёнида кўпроқ нисбат бўлади, шу тўғрисида иқтисодий қарорлар ҳар томонлама асосланган зарур. Бу, айниқса, корхоналар фаолиятини маркетинг тадқиқотлари негизида ва мавжуд ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш асосида ташкил этишга боғлиқ. Бозор иқтисоди шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини моделиштириш ва таҳлил этиш асосида муқобил ечимларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам эконометрик тадқиқотлар натижасига таяниб, қишлоқ

<sup>1</sup> «Халқ оғли» галатеви: 22 июль, 2000.

хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш масалаларини илмий жиҳатдан асослаш услубларини топиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз бозор муносабатларига ўғишининг айрим назарий ва услубий жиҳатлари академик М.Ш. Шарифхўжаев; профессорлар: А.Ў.Ўлмасов., Р.Қаримов., Ш.Алимов., М.Абдусаломов., Р.Я.Досумов., А.Э.Эшмухаммедов., Д.Қ.Ахмедов., А.А.Раззоқов., Г.Саидова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Иқтисодий таҳлил йўналишлари, услублари, кибернетик жиҳатлари бозор муносабатларининг ривожланиш тамойиллари академиклар: С.С.Фуломов., В.Қ.Қобулов; профессорлар: Т. Шодиев, А.Абдуғаффоров., Э.А.Акрамов., М.И.Ирматов., Б.Беркинов., Р.А.Убайдуллаев., Г.Г.Назарова ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган. Аммо агросаноат мажмуасига кирувчи корхоналар фаолияти, жумладан, мева ва сабзавот маҳсулотларини бозор рақобати шароитида тайёрловчи корхоналар фаолиятининг эконометрик таҳлили етарлича ўрганилмаган.

Илмий ишнинг мақсади. Диссертациянинг асосий мақсади ўзгарувчан бозор нархларида мева ва сабзавот маҳсулотларини тайёрловчи корхоналар фаолиятини эконометрик моделлар орқали таҳлил қилиш услубиятини яратиш ва ундан бозор конъюнктураси ўзгаришига мос келадиган ишлаб чиқариш қарорлари қабул қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқиндир.

Шундан келиб чиқиб, илмий ишда қуйидаги масалалар ҳал қилиниши белгиланди:

- ўзгарувчан нархларда мева-сабзавот корхоналари фаолиятини комплекс назарий ва амалий таҳлили;

- иқтисодни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида мева-сабзавот тайёрлов корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрловчи корхоналар харажатларининг таркибини ва даражасини таҳлил қилиш ва уларни пасайтириш омилларини белгилаш;

- иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида мева-сабзавот хўжалиklarининг қўшимча имкониятларини таҳлил этиш ҳамда фаолият юритишга чет эл сармоясини жалб этиш йўналишларини ўрганиш;

- рақобатлашган бозорда мева - сабзавот маҳсулотларига талаб ва таклиф қонуниятлари амал қилишини таҳлил этиш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотишнинг эконометрик моделларини Тошкент вилоятидаги «Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» хўжалиklари мисолида таҳлил қилиш;

- аҳолини мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган таъминотини яхшилаш мақсадида бозор инфратузилмаларини қайта ташкил этиш тамоғилларини яратиш ҳамда нархлар ўзгарувчан бўлган бозор шароитида мева-сабзавот тайёрлаш корхоналари маркетинг фаолиятлари йўналишларини аниқлаш.

Тадқиқот предмети мева-сабзавот хўжалиklarининг бозор шароитидаги фаолияти ҳатти-ҳаракатини ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар билан бўлган иқтисодий муносабатларини ўрганиш, мева-сабзавот хўжалиklarининг бозор шароитидаги иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида тижорат фаолиятини тақсимлаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти қилиб, Тошкент вилоятидаги «Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» номли мева-сабзавот жамоа корхоналарининг тижорат ва тайёрлов, маҳсулотларни сақлаш, тақсимлаш фаолиятлари олинди.

Илмий тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Илмий ишни тайёрлаш - жараёнида хусусийлаштириш бўйича янги ҳуқуқий далолатномалардан, қонун ва йўриқномалардан, «Тоҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи» (ширкат хўжалиги) тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунилари ва Олий Мажлис материалларидан, бозор жараёнларини ўрганиш бўйича назарий ва услубий адабиётлардан

фойдаланилди. Шунингдек, илмий тадқиқотни олиб боришдаги махсус усуллар: чизиқли программалаштириш, корреляцион ва регрессион таҳлил, таққослашни статистик таҳлили ва жадвал усуллари ҳам фойдаланилди.

**Диссертация ишнинг илмий янгилиги.** Мева-сабзавот тайёрлов корхоналари билан бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги тижорат тайёрлов фаолиятининг ўзгарувчан нархлар шароитидаги эконометрик таҳлили, моделлари ҳамда юқори фойда олишга қаратилган маркетинг услубини яратиш илмий ишнинг янгилиги ҳисобланади. Бозор конъюнктурасига асосланиб мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва тақсимлашни оптимал усуллари барпо этилди, мева-сабзавот бозори фаолиятининг эконометрик таҳлил услублари ишлаб чиқилди.

Мева-сабзавот маҳсулотини тайёрловчи ва аҳолига етказиб бериш корхоналар (савдо тармоғи) ўртасидаги интеграциянинг моҳияти ва услублари кўрсатилиб берилди. Мева-сабзавот корхонасининг қисқа ва узоқ муддатта мўлжалланган нархлар ўзгарувчан бўлган шароитдаги маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари аниқланди.

**Илмий ишнинг амалий аҳамияти.** Муаллиф томонидан яратилган эконометрик моделлар, натижа ва хулосалар, услубий йўл-йўриқлар Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот савдо-тайёрлов корхоналари фаолиятини чуқур ва кенг таҳлил қилишга ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бу иш натижаларини Тошкент вилоятдаги мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрловчи ва аҳолига етказиб бериш жамоа корхоналарида қўллаш мумкин.

**Илмий тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш.** Диссертациянинг асосий хулоса ва тақлифлари илмий нашрларда, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг профессор-ўқитувчиларининг «Бозор иқтисодиётига ўтишнинг назарий ва амалий асослари»га (1994, 1995) бағишланган конференцияларида, «Бозор шароитида молиялаштиришни ривожланишининг усулор йўналишини белгилаш ва молия тизимини

эркинлаштириш» мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциясида (Москва, Россия Иқтисодиёт Академияси) қилинган маъруза ва тезисларда ўз аксини топган.

Диссертация ишининг асосий натижалари бешта мақола, тўртта рисола ва тезисда чоп этилган бўлиб, умумий ҳажми 3.5 б.т. ни ташкил этади.

Диссертациянинг таркибий тузилиши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида илмий ишнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Биринчи бобда Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш шароитида агросаноат мажмуаси корхоналаридаги мулкчилик шаклларининг тараққий этиши ва уларнинг ишлаб чиқариш мақсадлари таҳлил қилинган. Бозор шароитида қишлоқ хўжалиги, жумладан, мева-сабзавот ишлаб чиқариши самарадорлигини аниқлаш, ишлаб чиқаришнинг моҳияти ва хусусиятлари ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни, бозор мувозанатини барпо этишни амалга ошириш ҳамда агрофирмалар, ширкат, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаш хусусиятлари, фойдани максималлаштиришга эришиш йўналишлари ёритилган.

Иккинчи бобда Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида мева-сабзавот маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш мақсадида қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уларни тайёрлов корхоналарига таклиф этиш устида тадқиқот олиб борилди. Шу мақсадни амалга ошириш учун «Жавохир нур» ва «Темир қадам» номли мева-сабзавот жамоа корхоналари фаолияти эконетриқ моделлар ёрдамида таҳлил қилиб чиқилди.

«Жавохир нур» номли мева-сабзавот корхонасининг талаб ва таклифларини фойдаловчи корреляцион регрессион моделлари ишлаб чиқилди.

Учинчи боб - Рақобатли бозорда талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда нархлар ўзгарувчан бўлган шароитда мева-сабзавот корхоналарининг фойдасини имкон доирасида максималлаштиришга, шу мақсадни таъминловчи ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўп вариантлари ҳамда муқобил ечимига ва маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар яратилган бағишланган.

Хулоса ва таклифлар қисмида эса олиб борилган тадқиқотнинг асосий натижалари, амалий аҳамияти, назарий ва услубий тавсиялари келтирилган.

### *Тадқиқотнинг асосий мазмуни*

Республикамыз қишлоқ хўжалиги бугунги кунда катта имкониятларга эга. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги миллий даромаднинг муҳим манбаи ҳисобланади, қишлоқ хўжалиги иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қишлоқларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш масаласида муҳим ҳалқадир.

«Иқтисодиёт ривожини, унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсади ва вазифаларга эриштишга қаратилиши даркор, - деди давлатимиз раҳбари. Ҳар қандай тармоқ, ҳар қандай соҳа ўз натижалари билан мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга, халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим».<sup>1</sup>

Мева-сабзавотчилик тармоғи ва у билан боғлиқ қайта ишлаш саноати корхоналарининг ҳозирча фойдаланилмаётган улкан ресурслари, бу соҳани жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятларидаан тўла фойдаланмапти.

Агросаноат мажмуасида ҳар хил мулкчилик шаклларини ривожлантириш, бир томондан ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари оилавий ва жамоа пудратига, асосланган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар билан иккинчи томондан ҳам ашёни қайта ишлаш жараёнидаги корхоналар билан интеграция алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 12 январ, 2001

Қишлоқ хўжалигини қайта ишлаш соҳаси билан ҳамкорлиги савдо тармоғи билан қишлоқ хўжалиги уюшмаларига қўшимча имкониятлар яратди. Озиқ-овқат саноати билан ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ўзаро алоқасини кенгайтириш келгусида замонавий қайта ишлаш корхонаси қишлоқ хўжалигига нафақат бозорни тўлдиршига (сифатли маҳсулотта олдиндан талабнома бериб, ўз маҳсулотлари билан бозорни тўйинтиришга) озиқ-овқат саноати талабларига тўла жавоб беришгагина олиб келмай, балки ишлаб чиқарувчилар учун озиқ-овқат саноатининг барча шартларини бажарувчи ҳамкорларни ҳам юзага келтиради.

Тадқиқотлар натижаси озиқ-овқат мажмуалари соҳасидаги тенденцияларни ўрганиш биринчи галда истеъмолчилар талабларини ҳисобга олиш, талаб ва таклиф орасидаги номуносибликни аниқлаш, ҳамда иқтисодий механизмдан фойдаланган ҳолда уларни бошқариш зарурлигини кўрсатди. Рақобатлашган бозор яқка ҳокимлик бозоридан фарқ қилган ҳолда фермерлик ва тадбиркорликнинг ривожланишини тақозо қилади ва шунинг учун ҳам, сарф-харажатларнинг миқдори, таркибини аниқлаш ҳамда молиявий натижаларни таҳлил қилишни тақозо этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида муаммоларни ечиш учун бизнингча, қишлоқ хўжалигида шундай иқтисодий механизм яратиш керакки, деҳқон меҳнати натижалари, унинг моддий рақобатлантирилиши, ўзи етиштирган маҳсулотига ўзи хўжайи, бўлса, шундагина деҳқон етиштирган маҳсулотининг эгаси эканлигини ҳис этади, у ернинг ҳақиқий эгаси бўлади. Бу қишлоқ хўжалигидаги яна бир муҳим масаладир. Бу масала қисман мазкур диссертацияда ҳам ўрганилди.

Биз ўрганаётган «Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» жамоа корхоналари Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлашда етакчи ўрнини оғаллайди.

Корхоналари н мақсади Тошкент шаҳри аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни янада яхшилашга қаратилган бўлиб, чакана савдо ташкилотлари билан бирга иқтисодий ва иқтимоий

манфаатли ҳамкорликда, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, ўз меҳнатининг яқуний натижалари билан узвий боғлаб, тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтишдан ва ўз-ўзини молиявий таъминлашда жамоа ҳисобига молиявий аҳволини такомиллаштириш, хўжалик ҳисоби ва ижара пудратини тадбиқ қилишга асосланади.

Жамоа корхоналарининг вазифалари шартномаларга мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳамма турини корхонада тайёрлаш, сақлаш ва аҳолига етказиб беришдан иборат. Жамоа корхоналари харидор талабини ўрганиб чиқиб, Тошкент шаҳридан ташқари вилоят хўжаликлари билан ҳам маҳсулот етказиб бериш учун савдо шартномаларини тузади. Жамоа корхоналари вилоятлараро ва вилоят ярмаркаларида қатнашади, харидорга савдо хизмати кўрсатиш ишларини амалга оширади; оморларда, дўконларда мева-сабзавотларни сақлаш бўйича чоралар кўради.

«Жавоҳир нур» номли мева-сабзавот тайёрлаш жамоа корхонаси томонидан таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг ҳажми бозор конъюнктурасига қараб ўзгариб туради. Пиёз, сабзи, картошка маҳсулотлари бўйича таклифлар лимон, қовоқ маҳсулотларига нисбатан бирмунча юқори бўлган (1-жадвалга қarang).

Таклифларнинг бу тарзда ўзгаришига бир неча омил таъсир кўрсатган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай жараён жумладан таклиф ва талабни ўрганиш учун сабаб-оқибат ёндашувини қўллаш мумкин. Бу умумлашган абстракт ва конкрет, сифат ва миқдорий, ҳамда иқтисодий жараёнларнинг тизимли таҳлилидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Жараёнларни сифат жиҳатидан таҳлил этиш бозор иқтисодиёти шароитида миқдорий таҳлил ва баҳолашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга бозор конъюнктурасини миқдорий жиҳатидан ўрганиш, сифат хусусиятларидан келиб чиқиб, мавжуд жараённинг моҳиятини очиқ беради.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчилар ҳар хил мўлқчилик асосида мева-сабзавот етиштироқда.

Уларнинг фаолиятини ўрганиш, бозордаги ҳатти-ҳаракатларини белгилаш мураккаб усуллар қўлланишини тақозо этади.

**Тошкент вилоятидаги «Жавоҳир нур» номли мева-сабзавот жамое  
корхонаси томонидан савдога тақлиф қилинаётган маҳсулотлар  
ҳажмининг динамикаси  
(1997 йилга нисбатан %да) \***

I-жадвал

Маҳсулот тури	Йиллар бўйича	
	1998 йил кўрсаткичлари	1999 йил кўрсаткичлари
<i>Картошка</i>	152.5	191.5
<i>Карам</i>	150.0	192.5
<i>Сабз</i>	130.1	245.5
<i>Пилёз</i>	280.0	389.2
<i>Тимон</i>	228.9	320.2
<i>Помидор</i>	114.5	143.5
<i>Олма</i>	202.0	217.1
<i>Тявтаги</i>	116.2	143.5
<i>Қовоқ</i>	162.5	185
<i>Болтир қалмири</i>	155	237.5

\*Жадвал маълумотлари «Жавоҳир нур» номли мева-сабзавот жамое корхонасининг йиллик ҳисоботларидан олинган.

Қишлоқ хўжалик жараёнларининг натижа ва омиллари ўртасидаги миқдорий боғлиқликларни иқтисодий-математик усуллар, яъни эконометрик моделлар орқали таҳлил қилиш ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади.

Аграр иқтисодий тадқиқотларда эконометрик моделларни қўллани қуйидагиларни тақозо этади, яъни китта соғлар қонуниятининг мавжудлиги, аграр иқтисодий жараёнларда ва уларнинг натижавий кўрсаткичларида эҳтимоллик мавжудлиги замонавий услубларни қўллашга кенг йўл очиб, булар регрессия тенгламаларидан фойдаланиш имёонини яратади.

Эконометрик моделларнинг асосий имкониятлари қуйидагилар:

1. Иқтисодий кўрсаткичларни миқдорий баҳолаш ва сифат жиҳатларини ўрганиш тизим тўлиқлигини таъминлайди.

2. Аграр иқтисодий жараёнларни таҳлил этишда эконометрик моделларга асосланиб корхона фаолиятида самарали йўналиш ва стратегиялар аниқланади.

3. Эконометрик тенгламалардаги ўзгарувчиларнинг боғлиқлиги, бир тенглама бўйича бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлатилиши мумкин.

4. Тизимга киритилаётган маълумотлар, комплекс тенгламалар тузилишидан иборат бўлиб, баъзи кўрсаткичлар учун ҳеч қандай чекланишлар бўлмайди.

5. Эконометрик моделлар динамик модел кўринишини олиб, у ердаги тенгламалар ўзгарувчилар кўринишида, вақтга нисбатан функция ҳолида ёки моделда мустақил омил кўринишида қатнашади.

Эконометрик моделлар бошқаришнинг барча бўғинларида иқтисодий натижаларни турли занжирли халқа кўринишида ифодалаб, ўзгарувчилар сонини кенгайтиради, кузатилаётган объектни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилишга имконият яратади. Шунинг учун ҳам, тўғри танланган эконометрик моделлар иқтисодий башорат усулларида кенг қўлланилади, улар орқати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарали ривожланиш вариантлари топилади.

Кейинги йиллардаги амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг натижасида республикамизда иқтисодий ва маънавий барқарорлик таъминланди. Аммо айрим соҳаларда, мева-сабзавот бозорларида талаб ва таклифнинг ўзгариши туфайли унда шаклланган нархлар гоҳ ўсиб, гоҳ камайиб тебраниш характерига эга бўлди. Бу ҳолатни биз ўрганаётган жамоа корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Жавоҳир нур» номли мева-сабзавот жамоа корхонасининг мева-сабзавот маҳсулотлари учун 1997-1999 йиллардаги шартнома нархлари 2-жадвалда кварталлар бўйича берилган бўлиб, олма, лимон, картошка маҳсулотлари бўйича нархлар бирмунча юқори, лавлаги, қовоқ, болгар қалампери бўйича нархлар эса юқорида кўрсатилган маҳсулотларга нисбатан пастроқ. Маҳсулотларга бўлган нархларнинг шаклланишида фасллар, пулниги

қуввати ҳамда тадбиркор томонидан маҳсулотлар танқис бўлган ойлarda керакли маҳсулотни етказиб бериш имконияти ҳам нархларга ўз таъсирини ўтказлади.

2 - жадвал

**«Жавоҳир нур» номида жамоа корхонасининг мева-сабзавот маҳсулотлари устуи шартнома нархлари. \***

(кўсўм)

	1997 йилнинг шартнома нархлари				1998 йилнинг шартнома нархлари				1999 йилнинг шартнома нархлари			
	I кв	II кв	III кв	IV кв	I кв	II кв	III кв	IV кв	I кв	II кв	III кв	IV кв
Картошка	28,3	30,7	24,7	22,3	39	41,5	35	46	48	52	45	58
Карам	19	23	17	21	28	40	30	22	36	50	30	38
Сабз	23	27	18	20	44	48	39	37	58	62	51	45
Пияз	17,8	19,3	11	15,2	36	55	38	48	58	73	47	68
Лимон	135	136	134	140	208	260	430	350	395	410	500	440
Помидор	185	130	35	205	210	140	45	253	267	202	50	293
Олма	37,9	38,5	37	39,5	95,0	90,0	35,0	89,0	92	105	40	95
Лавлати	19	19,5	16,5	22	22,5	23	19	25	28	29,5	23	30
Қовоқ	22	0	0	18	35	0	0	30	40	0	0	34
Бошлар қазаншир	0	0	16	24	0	0	28	34	0	0	40	55

\* Жадвал маълумотлари «Жавоҳир нур» номида жамоа корхонасининг мева-сабзавот маҳсулотларига ўрнатилган шартнома нархларига асосан келтирилган.

Бозор шароитида нархларнинг шакллари (чакана, улгуржи, шартнома ва бозор нархлари) турли хил бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ва таклиф, харажатлар даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Иқтисодий назарияга асосан эквивалент алмашишда ҳар бир товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати асос қилиб олинади. Нархларни ўзгаришига қараб деҳқон маҳсулотига талаб ҳам ўзгариб туради. Бу бозор иқтисодиётининг қонунига тўғри келиб, нарх-наво ўсса, бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда талаб камаяди, нарх-наво тушса, маҳсулотга талаб ва уни истеъмол қилиш кўпаяди. Бу масалани чуқурроқ ўрганиш мақсадида биз эконометрик моделлардан фойдаландик. 1997-1999 йилларнинг маълумотидан фойдаланиб, тадқиқотимизни компьютер дастуридан фойдаланиб эконометрик таҳлил қилиб кўрилганда деҳқон маҳсулотига талабнинг янги моделлари мавжуд бўлди, лекин улар шартнома нарх-наволарига қараб ўзгариб туради. Талабга таъсир этувчи кўрсаткичларни ҳар хил функциялар орқали исботлаш мумкин (3-жадвал)

«Жавоҳир нур» номли мева-сабзавот жамов корхонасининг 1997-1999  
 йиллардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган  
 талаб ва таклиф функцияларининг таҳлили. \*

№	Маҳсулот номи	Чизиқли функция	R <sup>2</sup>	F
1.	Лимон	$D_L = 696.99 - 0.16p$	0.49	32.81
2.	Картошка	$D_K = 95.40 - 0.03p$	0.77	116.23
3.	Сабзи	$D_S = 92.13 - 0.13p$	0.24	11.02
4.	Олма	$D_O = 6.16 + 0.8p$	0.85	194.42
5.	Помидор	$D_P = 54.34 + 0.01p$	0.02	0.87
6.	Карам	$D_{Kp} = 105.06 - 0.55p$	0.22	9.43
7.	Қовоқ	$D = 17.79 + 0.04p$	0.13	3.64
1.	Лимон	$S_L = 482.40 + 0.54p$	0.64	60.21
2.	Картошка	$S_K = 150.92 - 0.05p$	0.12	4.44
3.	Сабзи	$S_S = 73.92 - 0.08p$	0.15	5.83
4.	Олма	$S_O = 4.52 + 0.01p$	0.85	185.61
5.	Помидор	$S_P = 71.97 + 0.02p$	0.10	3.83
6.	Карам	$S_{Kp} = 85.51 - 0.37p$	0.23	10.13
7.	Қовоқ	$S_Q = 17.33 + 0.05p$	0.17	7.07

\* Ҳаҷвал маълумотлари «Жавоҳир нур» номли мева-сабзавот жамов корхонасининг 1997-1999 йиллардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни таҳлил этиш асосида келтирилган.

Бу моделлар солиштириб кўрилганда, ҳақиқий ва ҳисобланган қийматларнинг аҳамиятли фарқи кам эканлиги маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, нарх-навоқнинг пасайиб ва кўтарилиб туриши бозор иқтисодиёти шароитида объектив кўрсаткич, деб ҳисобланиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган функциялар (моделлар) Фишер, Дарбин-Уотсоннинг статистик мезонлари асосида текшириб чиқилди. Маълум ўзгаришларни ҳисобга олмасак, бу функцияларни талаб ва таклифга таъсирини ўрганишга тadbиқ этиш бўлади. Жумладан, бу тенгликни қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб (D) конъюнктурасини ўрганишда шилтириш мумкин. Қуйида «Жавоҳир нур» номли жамов корхонасининг 1997-1999 йиллардаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб ва таклифни кўрсатувчи функциялари нархга нисбатан натижавий кўрсаткич (функция) деб олинган.

Айрим ҳолларда мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган нарх-навонинг таъсири бозор конъюнктурасининг шаклланишида сезилиб қолади, лекин бу ҳолат айрим ҳолларда унча ҳисобга олинмайди. Энди мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрловчи корхонаси таклифини кўриб чиқамиз. Назарий жиҳатдан таклиф (S) хохиш бу фирманинг маҳсулот ишлаб чиқариш ёки таклиф этиш учун имкониятларидир. Товари мева-сабзавот тайёрловчи корхона томонидан таклиф этишга асосан қуйидаги омиллар таъсир қилади: товарнинг бозор нархи; ишлаб чиқариш харажатлари, товарнинг захира даражаси ёки бошқалар бўлиши мумкин. Жамоа корхона сотилаётган маҳсулотларнинг таркибини яхшилаш ва фойдасини ошириш мақсадида, бозордаги рақобатни ҳисобга олган ҳолда, диссертацияда учта чизиқли оптималлаштириш масаласи қўйилди. Бунда олдинги ўтказилган иқтисодий таҳлил натижалари оптимал модел учун база бўлиб хизмат қилди. Итератив (кетма-кет) изланиш ёрдамида ҳисобланган ечимнинг учинчи варианти корхона фойдасини максималлаштириш нуқтани назардан жамоа корхонасининг талабига жавоб берадиган варианти деб топилди. Бундай итерацион ёндашув корхонани бошқаришда маркетинг қарорларини қабул қилишда амалий аҳамият касб этади.

Маълумки талаб ва таклиф бозор механизмнинг асосини ташкил этади. Талаб асосида товарларнинг рақобатдошлиги (сифат юқори бўлса баҳо ҳам юқоридир), улардаги шаклланган истеъмол қиймати ва қиймати ётади. Аниқ даромадга эга бўлган истеъмолчилар товарни қанча арзонга сотиб олади, шунча яхши деб ҳисоблайдилар. Аини шу вақтда ишлаб чиқарувчилар ҳам ишлаб чиқарган маҳсулотларини қимматга сотишни ҳоҳлайдилар, аммо бозор баҳоси талаб баҳосидан юқори бўла олмайди. Бозор нарх истеъмолчилар кутган истеъмол қиймат ишлаб чиқарувчилар яратган қийматга мос келишини ифодалайди.

Талаб нархнинг чегарали максимал нархи бор, шунга кўра истеъмолчи товар харид қилишга рози бўлади. Мева-сабзавотга бўлган талаб баҳоси ва сотилаётган маҳсулот миқдори ўртасида алоқа мавжуд. Бу алоқа талаб

чизигининг мева-сабзавот маҳсулотининг харидорларга сўнги наф келтириши билан изоҳланади. Бошқача қилиб айтганда, талаб чизигининг пасайиши маҳсулот миқдорининг ошиши билан умумий наф миқдорининг ошиши маҳсулот бирлигининг нафлиги пасайишини кўрсатади.

Ишлаб чиқарувчилар паст нархда товарни кам таклиф қилишга мойил бўлади. Таклиф нархларининг шаклланиши эркин рақобат шароитида бозорда юз беради. Бозорда юз берадиган нарх, таклиф нархдан пастга тушиб кета олмайди, унда ишлаб чиқариш истеъмолчи учун керак бўлмай қолади. Қанча нарх паст бўлса, шунча кам миқдорда товар сотувга олиб чиқилади, бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини қопламайди ва товарни кераксиз қилиб қўяди. Бундай ҳолатлар амалий ҳисоб-китобларда ўз тасдиғини топади.

Мева-сабзавот мажмуасининг умумий мақсади маҳсулот ҳажмини максималлаштириш шаклида намоён бўлади ва жамият истеъмолчини қондиришга хизмат қилади. Шу мақсадни амалга ошириш учун асосий эътибор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва аҳолига етказиб бериш масалаларига, айниқса, иккиламчи ишлаб чиқаришга яъни тузламадар ишлаб чиқариш, шарбатлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишга қаратилади.

Ҳозирги пайтда озиқ-овқат дуконларининг пештахталари орқали маҳсулотларни сотиш масалаларига катта эътибор қаратиляпти. Бу ҳолат биринчи навбатда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда тақсимловчи мажмуаларга тегишлидир.

Республикамиз мустақиллиги шароитида, мева-сабзавот етиштирилг ва уларни сифатли қайта ишлашда миқдорий даражаларга ҳам катта эътибор қаратилиши керак. Бундай масалани ечиш йўлларидадан бири бу, корхона харажатларини камайтириб, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотини сифатли сақлашга эътибор беришдир. Бу муаммонинг долзарблигини қуйидаги маълумотлар орқали ҳам баҳолаш мумкин:

Республикамизда бизнинг ҳисоб-китобларимизга биноан ташиш, сақлаш ва сотишда ҳар йили 300 миң тоннагача мева-сабзавот маҳсулоти ва

картошка йўқотилади, сақлаш жойларини қуриш режалари улар таъминотининг 66 фоизини ташкил этишига қарамай, режа топшириги кам бажарилмапти. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг паст сифатлилиги, уларнинг тезда бузилиши сабабли узок муддатли сақлашда катта йўқотишларга сабаб бўлмоқда. Бу масалаларни ҳал қилиш учун мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар тузиш муҳим ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга бу маҳсулотларга бўлган аҳолининг талабини ўрганиш тадқиқотларини ўтказиш ҳам бозор муносабатларига ўтиш шароитида рақобат ва кооперацияни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

«Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» мева-сабзавот жамоа корхоналари, асосан, бир томондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш фаолиятини амалга оширса (яъни мол етказиб берувчилар сифатида келишилган нархлар асосида, мева-сабзавотларни таниш ва сақлашни ташкил этса), бошқа томондан қишлоқ хўжалигининг мева-сабзавот маҳсулотларини дўконлар ва бошқа савдо шахобчалари орқали сотиш шароитларини ўрганиши керак бўлган воситачи корхона ҳисобланади.

Аmmo воситачи ташкилотларнинг бозор шароитида амал қилиши ва рақобатбардорлиги илмий жиҳатдан ўрганилмаган. Шунинг учун диссертацияда мева-сабзавот жамоа корхоналарининг воситачилик фаолиятига алоҳида эътибор ажратилган. Охириги уч йил давомида «Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» жамоа корхоналарида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва сотиш орасида номутаносиблик мавжудлиги омборлардаги захираларни муайян миқдордан (режадан) қўплигини кўрсатди. Бу эса маҳсулотларнинг бир қисми сақлаш давомида бузилишига сабаб бўлмоқда. Бошқа томондан эса қиш ойларида захираларнинг яхши сақланмаганлиги туфайли Тошкент аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзавот, мева, узум ва лимон билан таъминлаш, узилышлар кўзга ташланади. Бу борада ҳам зарур вақтда,

керакли миқдорда, зарур жойга маркетнинг йўналишидан кенг фойдаланиш керак. Бу тижорат фаолиятининг муваффақият гарови ҳисобланади.

Диссертацияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ҳажмини оптимал миқдорини ҳисоблаб чиқишга ҳам тўхталиб ўтилган. Бозор шароитларида ҳар бир ширкат хўжалиги аҳолининг эҳтиёжларини қондириш мақсадда ва тижоратда муваффақиятга эришиш учун маҳсулотларни тақдим этишнинг ўзига хос услубий йўналишини танлайди. Модомики, танлаш кўп вариантли бўлганлиги туфайли бу фаолиятни амалга оширишда иқтисодий математик моделлардан фойдаланилган.

«Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» корхоналари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, уни тайёрловчилар ва савдо ташкилотлари ўзаро ҳамкорликни ташкил этадилар. Улар ҳамкорлик масалаларини оптимал ҳал қилиш мақсадида иқтисодий-математик таҳлилга эътибор беришлари керак.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини шартнома нархлари асосида тайёрлаш ва сотиш йўлларини ишлаб чиқиш сотувчи ва харидорга маъқул бўлган жўнатиш ҳажмларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бу борада қўйидаги тамойилларни ҳисобга олиш лозим: шаҳар аҳолисининг мева-сабзавотга бўлган эҳтиёжи ва шу маҳсулотларни, яъни минтақаларда ишлаб чиқаришнинг маъқул усулини таъминлаш, бу тамойилни, биринчи навбатда раҳбар доираларда режалар ишлаб чиқиш, хусусан, мамлакатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ҳажмини аниқлашда ҳисобга олиш керак бўлади. Ҳозирги пайтда эҳтиёжларнинг асосий қисми бозорга маҳсулотларини жўнатиш ҳисобига қондирилади.

Мева-сабзавотларни талаб этилган миқдорда харидорларга етказиш ишлаб чиқариш ресурсларининг ҳажмини аниқ белгилашни, уни фаолиятлар бўйича оптимал тақсимлашни талаб этади. Бу эса чизиқли дастурлаш масаласидир.

Диссертацияда бундай иқтисодий - математик моделларни ишлаб чиқишда қўйидаги белгилардан фойдаланилади:

$i = \overline{1, I}$ ;  $i$  - мева-сабзавот тайёрлаш корхонасининг ишлаб чиқариш ресурсларининг турлари ва индекси (сақлаш қуввати, омборхоналар, илгчи кучдари ва бошқалар);

$a_{ij}$  - корхонадаги  $i$ - ресурсларнинг ҳажми;

$f = \overline{1, J}$ ;  $j$  - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ва индекслари;

$a_{ij}$  -  $i$  - илгчи маҳсулот бирлигининг тайёрлаш ва харидорга етказиш учун кетган  $j$ -маҳсулот бирлиги (нормаси);

$P_j$  -  $j$  - илгчи маҳсулот бирлигининг бозордаги сотиш нархи;

$C_j$  -  $j$  - илгчи маҳсулот бирлигини сақлаш ва тайёрлаш таннархи;

$P_j - (P_j - C_j)$  -  $j$  - илгчи маҳсулот бирлигини сотишдан келган фойда;

$X_j$  -  $j$  - мева-сабзавот корхоналари орқали маҳсулотни тайёрлаш ва сотиш ҳажми;

$Q_j^I$  ва  $Q_j^{II}$ ;  $j$ -маҳсулотни сақлаш ва сотиш ҳажмларининг қўйи ва юқори чегаралари.

Ўзиқли дастурлаш масаласини ечишда асосий муаммо - оптималлик мезонини танлашдир. Бозор иқтисодида бу хар бир корхонанинг мақсади — оптимал фойда олиш билан белгиланади.

Мева-сабзавотларни кўпроқ фойда олиш мақсадида тайёрлаш ва тақсимлашнинг оптимал иқтисодий-математик модели қуйидаги кўринишга эга:

$$z_{max} = \sum_{j=1}^J (P_j - C_j) X_j$$

Мева - сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва тақсимлашда қуйидаги чекланишларга амал қилинган:

$$(1) \sum_{j=1}^J a_{ij} X_j = b_i \quad i = \overline{1, I}$$

камёб манбалардан фойдаланишдаги чекланишлар:

$$(2) Q_j^I < X_j < Q_j^{II}$$

тайёрлов ҳажмига асосланган чекланишлар:

(3)  $X_j > 0$  - мавжуд имкониятларнинг манфий бўлмаслиги.

Бошқача қилиб айтганда, тадқиқот олиб борилаётган корхоналарда мева-сабзавот мўхсулотларини таклиф қилишни оптималлаш учун чизикли дастурлаш тизимидан фойдаланилди. Бу тизимнинг моҳияти энг қулай, яъни иқтисодий мақбул қарорларни танлаш ва амалда қўлландан иборат.

Юқорида келтирилган масалани ечиш учун иқтисодий математик моделини ечишда стандарт дастурлар жамламасидаги «Симплекс усул» деб номланган усулдан фойдаланилди. Мақсадга эришиш учун масала бир нечта босқичда ечилди. Биринчи вариантда корхонанинг мақсад функцияси, яъни корхонанинг даромади 98652300 сўмни ташкил қилди. Иккинчи вариантда корхонанинг даромади 114200000 сўмни ташкил этди. Учинчи вариантда корхонанинг даромади - 118635500 сўмни ташкил этди. Учинчи вариантда олинган натижага корхона эришиши аҳтимоли юқоридир.

#### *Тадқиқотдан олинган хулоса ва тавсияномалар*

1. Агроеоаноат тузилмаларининг ривожланишини моделлаштириш ва баъорат қилиш масалалари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ривожланиш суръатларини ошириш манбаларини ва омилларини тадқиқот қилишни ўз ичига олади. Бу муаммонинг серқирралялиги, мураккаблиги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда самарадорликнинг иқтисодий ўсиш омиллари ва динамикасини акс эттирувчи кўрсаткичларни қўллаш зарурлигини тақозо этади. Самарадорлик қанча юқори бўлса, динамик ўсиш ҳам шунча кўп имкониятларга эга бўлишини кўрсатади. Бозор муносабатларига ўтиш ишлаб чиқариш самарадорлигига катта аътиборни қаратади.

2. Аграр соҳадаги мулкчилик шакллариининг турли хиллиги қайта ишлавчи қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги интеграция жараёнларига ўз таъсирини ўтказмоқда, олдинги ўринга шартномали муносабатлар ва хўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатдорлиги ўтмоқда. Шартнома ваъиятларининг таҳлили қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш эркин хўжалик юритиш, кооперация ва рақобатни ҳамда

кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларини кўрсатиб берди.

3. Тайёрлов ташиқлотларининг мақсади бир томондан аҳолининг мева-сабзавотларга бўлган талабини ўрганиш, транспорт харажатларини ва сақлаш харажатларини минималлаштириш, фойдани эса максималлаштириш бўлса, бошқа томондан, аҳолининг мева-сабзавотлар билан тўхтовсиз таъминлаб турилиши лозим. Тадқиқот олиб борилаётган мева-сабзавот жамоа корхонаси бу масалани муваффақиятли олиб борапти. Фойданинг асосий компонентларидан бири бу мева-сабзавот маҳсулотлари бозор мувозанатини аниқлаш асосида, ташиш ва сақлашдаги йўқотишлар ва муомала харажатларини камайтиришдан иборат бўлади.

Эконометрик тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатадики, республикамизда мева-сабзавот бозорида ҳам талаб қонунига амал қилинмоқда: маҳсулотнинг нархларининг ўсиши давомида бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда уларга бўлган талаб камаяди, бироқ аҳолининг нархларни ўзгаришига таъсири ҳар қандай. Буни исботлаш учун диссертацияда талабнинг нархга нисбатан коэффициентлари ҳисобланган ва улар қуйидагича: картошка эластиклиги -0.18га, сабзи эластиклиги -1.71га, мева эластиклиги 0.45га, лимон эластиклиги эса -0.18га тенг бўлди. Бу коэффициентлар ҳар бир маҳсулотга бўлган талаб функцияларидан олинган.

Умуман олганда, мева - сабзавот маҳсулотларига бўлган талаб асосан нархларининг ўзгаришига боғлиқлиги тасдиқланди.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш ва сақлаш учун омборхоналар етишмаслиги, савдо-сотиқ операцияларининг рентабеллигини оширишдаги энг назик масалалардан ҳисобланади. Олиб борилаётган тадқиқотлар натижаси шунини кўрсатадики, мева-сабзавот маҳсулотларига талаб ва таклиф конъюнктурасининг мувофиқлиги, нархларининг ўзгариш туриши даражаси аҳоли даромадида боғлиқдир. Бунда таклифнинг корреляция коэффициенти юқоридир.

Ишлаб чиқариш шариоғи энг ёмон ва ишлаб чиқариш учун даромад бўлмаган жойда уларнинг мувозанатини харажатлар сифими таъминлаши шарт. Нархлар мувозанатини таъминлаш мақсадида мева-сабзавот мажмуаларини кварталлик индексациясини кўриб туриш лозим;

5. Мева-сабзавотлар мажмуасини тезкор ривожлаштириш ва мамлакатнинг экспорт имкониятини ошириш мақсадида воситачи, жумладан мева - сабзавот тайёрлаш ва сотиш корхоналарига хорижий сармоёларни жалб қилиши келгусидаги стратегик мақсад бўлмоғи лозим. Бу сармоёлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш учун янги жиҳозлар сотиб олиш, фойдаланилаётган эски техникани ва технологияларни янгилаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қатъийлаштириш ва ривожлаштириш. ишлаб чиқариш суръатларини ўсишини таъминлаш, маҳсулотлар сифатини яхшилашга жалб этилса юқори самара бериши мумкин.

6. Фикримизча Республикамызда шартнома нархларини қўллашнинг самарали йўналишлари мавжуд, жумладан товар ишлаб чиқарувчилар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини тайёрлов ташкилотига бозор нархлари бўйича сотадилар, сотган ҳар бир маҳсулот бирлиги учун агар бу нархлар кафолатланган қатъий нархлар даражасидан паст бўлса, қўшимча ҳақ олмоғи лозим. Шартномада режалаштирилган маҳсулотга қараганда, ортиқча сотилган маҳсулотлар учун тижорат ташкилотлари томонидан қарз (консигнация) нархлари билан қабул қилинган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан тўловлар амалга оширилади, қарзга олинган маҳсулотлар учун ҳақ тўлаб бўлингач, бу ўрнатилган тафовут бекор қилинади. Бундай маҳсулотлар туркумига тез сифатини йўқотадиган маҳсулотларни киритишимиз мумкин.

7. Мустақиллик шариоғида аҳолини мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган таъминотини яхшилаш мақсадида мева-сабзавот мажмуаси ишлаб чиқариш тузилишларини қайта ташкил этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу мақсадни амалга ошириш учун корхона ичида хусусий тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнестга монанд ишлаб чиқарувчиларни

ташқил этиш мақсада мувофиқ, жумладан мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Темир қадам» хўжалигида кичик мева - сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи корхона барпо этиш (помидор маҳсулотини консерва ва помидор пастасига айлантирувчи, бошқа сабзавот ва мевалардан шарбат тайёрловчи ва консерва қилувчи) имкониятлари мавжуд.

«Жавоҳир нур» ва «Темир қадам» жамоа корхоналарида келажакда маҳсулотларни сифатли сақлаш мақсадида газлаштириш лойиҳасини амалга ошириш зарур. Мева-сабзавот ишлаб чиқарувчи ва тайёрловчи кичик ва ўрта корхоналарга тадбиркорликни ривожлантириш учун банклар томонидан микрокредитлар беришни имкониятлари мавжудлиги бу тақлифлар реаллигидан далолат беради.

*Диссертация юзасидан нашр қилган  
асосий илмий ишлар:*

*Журналларда чоп этилган илмий мақолалар.*

1. Овоши, цены, рынок // Экономика и статистика, -Т: 1996, №11, С. 18-20
2. Инвестиции в плодовоовощном комплексе: // Экономика и статистика, -Т: №1, 1997, С. 64-65
3. Модели экономического взаимодействия и цены равновесия (в соавторстве) // Вопросы моделирования и информатизации экономики (сборник научных трудов). - Т: 1994, №9, ИК НПО «Кибернетика» АН Республики Узбекистан, С. 27-32
4. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини шакллантириш (Депонентланган қўлёзма): / ЎзР фан ва техника рақами бўйича Давлат Комитети, Илмий Техника ахборотларини Давлат фонди. № 2386-Ўз 95. 18.05.95. 23-6.
5. Рынок сельскохозяйственных продуктов и формирование цен: // Экономика и технология. Междвулский сборник научных трудов - 2000, №12, Российская Экономическая Академия имени Г.В. Плеханова (в издат.)

*Рисола ва тезислар:*

1. Моделирование воздействия налогов и субсидий на благосостояние населения (в соавторстве)/ Тезисы научной конференции Переход к рыночной экономике в условиях суверенитета и независимости республики Узбекистан - Т: ТГЭУ, 1994, С. 35-37
2. Бозор иқтисодийига ўтишнинг назарий ва амалий асослари мавзусидаги илмий конференциясининг илмий маърузалари ва ишлари тўплами. Агросаноат комплексини ривожлантиришда бозор механизми. - Т: ТДИУ, 1995, 141-6.
3. Оптимизация деятельности агрофирм и ее алгоритмизация /Современные проблемы алгоритмизации, Сборник тезисов докладов. - Т: 1996, ИК НИО «Кибернетика» АН Республики Узбекистан, С. 258- 259
4. Инвестиционная политика в плодоовощном производстве на этапе углубления либерализации экономики /Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений. тезисы докладов международной научно- практической конференции. - Москва: Российская Экономическая Академия имени Г.В. Плеханова, 2000, С. 59-60

*Аннотация на диссертационную работу Ашуровой Д:  
«Эконометрический анализ заготовки и распределения плодоовощных  
продуктов в условиях рыночной конкуренции»*

На этапе либерализации и углубления экономических реформ эконометрические исследования процесса интеграции производства, заготовки, хранения и реализации сельскохозяйственной продукции, в частности, плодоовощной продукции являются актуальной задачей.

Целью исследования является разработка эконометрического инструмента для комплексного анализа деятельности заготовительных предприятий в условиях колебания рыночной конъюнктуры и неустойчивости цен на плодоовощную продукцию.

Исходя из цели рассмотрена теория рыночных отношений в сельском хозяйстве и роль посреднических организаций в снабжении населения плодоовощной продукцией.

В частности в диссертации исследованы:

- а) теоретические и практические аспекты формирования многоукладной экономики и конкурентной среды, а также рыночного равновесия;
- б) проведен эконометрический анализ деятельности плодоовощных хозяйств, их цели и поведение на конкурентном рынке;
- в) смоделировано функционирование плодоовощных торгово-посреднических хозяйств в условиях изменения конъюнктуры рынка и неустойчивости цен.

В первой главе рассмотрены особенности определения издержек производства агропредприятий.

Проанализировано «Положение о затратах» и исследована структура затрат сельскохозяйственного предприятия с рыночной позицией, рассмотрены средние и предельные издержки производства сельскохозяйственного предприятия и определено влияние снижения издержек на рентабельность производства, а также вычислены кривые спроса и предложения сельскохозяйственных продуктов.

Во второй главе рассматриваются эконометрический анализ спроса и предложения плодоовощных хозяйств. Использование корреляционно-регрессионных моделей для анализа рыночной конъюнктуры сельскохозяйственных продуктов, позволяет с одной стороны расчленить, выделить существенные ее стороны, определить тенденции, условия развития и осуществить комплексный анализ рыночных регуляторов, с другой стороны даёт возможность синтезировать результаты анализа в целях определения стратегии поведения хозяйств.

В третьей главе рассчитаны варианты заготовок плодоовощных хозяйств с учетом спроса и предложения на конкурентном рынке, устойчивости рыночного равновесия и минимизации издержек.

В заключении сформулированы предложения и рекомендации по совершенствованию производственной и коммерческой деятельности плодоовощных хозяйств.

*Annotation on the dissertation work by ASHUROVA D:  
«The econometric analysis of storage and distribution of fruit and  
vegetable products in the competitive market»*

On the stage of liberalization and deepening of economic reforms the econometric research of process of production integration, storage and sale of agricultural product, particularly fruit and vegetable production is an actual task.

The aim of the dissertation is working out the methods for complex analysis of the activity of fruit and vegetable storage enterprises in the fluctuating market conditions and unstable prices for agricultural goods.

Meanwhile the theory of market relations in agriculture are and the role of intermediary organizations in satisfaction of consumers demand discussed.

The dissertation work investigates the following tasks:

- a) the theoretical and practical aspects of formation of multiownership economy and competitive environment, and also market equilibrium;
- b) econometric analysis of fruit and vegetable enterprises' activity, their goals and behaviour in the competitive market are discussed;
- c) functioning of fruit and vegetable trading intermediary enterprises and their status is in the conditions of fluctuating market conjunctive modelled.

The peculiarities of calculating the agricultural production costs are discussed in the first chapter.

«Statement of costs» is analyzed and the structure of costs of agricultural enterprises is investigated from the point of market. The production costs of agricultural enterprises, an influence of reduction of production costs on profitability of firm and curves of demand and supply of agricultural production are shown.

The econometric analysis of demand and supply of the fruit and vegetable enterprises are made in the second chapter. Applying of correlation and regression models for analysis of market conjuncture of agricultural production firstly let distinguish its significant sides, deferring the tendencies and terms of development and carry out the complex analysis of market regulators, secondly enables to make syntheses for analysis results with purpose of setting the strategy of agricultural enterprises.

The optimal storage variants the fruit and vegetable enterprises with account of demand and supply in the competitive market and sustainability of market equilibrium also minimization of costs are determined.

The proposals and recommendations on development of the production and commercial activity of the fruit and vegetable enterprises are made in conclusion.

Р. - Босмага рухсат этилади. 05.04.2001  
Қороз бичими 60 х 84 1/16  
Халқини 5 б.т. 100 нуска  
Бюджетма 57

---

Тошкент Давлат Иқтисодиёт  
университети босмаханаси  
Ўзбекистон кўчаси 49.